

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Доцентлар:

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШТ ва эндокринология” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Анатомия ва ОЖТА” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШТ ва эндокринология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ акушерлик ва гинекология” кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология” кафедраси

“Тиббий профилактика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ИКП гематология ва лаборатория иши” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШТ клиник аллергология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология ва нур ташхиси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ИКП гематология ва лаборатория иши” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШТ клиник аллергология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлик” кафедраси



НАВРЎЗ – МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

Наврўз қадимий миллий байрами (“Наврўз байрами”) форс тилидан таржима қилинганда “янги кун” маъносини англатади. Наврўз байрами 21 март куни нишонланади ва янги йилнинг бошланиши ҳисобланади.



Ушбу кун кеча билан кундунинг тенглашиши, яъни кеча ва кундунинг бир хиллигидир – 12 соат. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари ва анъаналари кучга кирди, жумладан Наврўз байрамни нишонлаш ўзига хос тусга эга бўлди. Бу байрам барча халқларнинг дўстлик ва бирлик рамзига эга бўлган умумхалқ байрамидир.

Ҳақиқатдан ҳам, Наврўз – меҳр-мурувват, инсонпарварлик, инсонларни руҳан бирлаштирувчи байрамдир. Барча замонларда Наврўз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу-уйлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари ифодаланган. Ушбу хосиятли байрамни нишонлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар даврлар ўтиши билан мазмунан бойиб, такомиллашиб келмоқда. Наврўз байрами муносабати билан мамлакатлараро уруш-жанжаллар тўхтатилган, урушганлар ярашган, гина-кудуратлар унутилган, ота-она, қариндош-уруғлар, кексалар, касалмандлар совға-салом билан йўқланган, янги кийимлар кийилган. Ушбу байрамнинг кириб келиши билан турли миллий таомлар тайёрланган: сумалак, халим, кўк сомса, ош ва бошқалар. Мазкур таомлар одамзод организмга фойдали бўлган кўп витаминларга бойдир. Уй, ҳовли, кўчалар супуриб-сидирилган, катта-катта майдонларда сайиллар, ўйин-кулги, аскиябозлик, кураш, кўпқари ўтказилган, театр томошалари ташкил этилган. Одамлар бир-бирлариникига меҳмондорчиликка боришган, ерга биринчи уруғ қадаш, кўш қўшиш маросимлари нишонланган. Хуллас, Наврўз байрами миллий умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб келинган. Унинг мазмунидан ким Наврўзни шоду хуррамлик билан қутиб олса ва ўтказса, келгуси йил Наврўз келгунча унинг ҳаёти хурсандчиликларга бой бўлади деган гоё ётади.



БАЙРАМ ТАБРИГИ

Уйғониш ва янгилашиш, қут-барака элчиси Наврўзи айём шуқудан диллар яйрамоқда. Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрамлар ярашади.

Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.

Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яша-риш айёми бу йил дилларимизни яна қувончу шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик, баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.

Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қутлаймиз. Сизларга аввало соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз. Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб, нурафшон айласин.

Ректорат

(Давоми 2-бетда.)

Тошкент Тиббиёт Академияси ректорати касаба уюшмаси Анатомия ва ОЖТА кафедраси профессори

Аҳмаджон Ғиёсович МИРЗАМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



*Дунёда энг яхши иш — холис ва пок
ният билан қилинган ишдир.*





НАВРЎЗ – МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Наврўз – муҳаббат, севги, садоқат байрами. Наврўз муносабати билан никоҳ тўйлари ўтказилган, йигит-қизлар бири-бирлари билан аҳду паймон қилишган, гуллар ҳадя этишган. Янги тушган келин қўлидан чой ичиш мақсадида “келин кўрди”га боришган. Наврўз байрами бир кундан бир ойгача нишонланган бўлиб, уни тантана қилиш билан боғлиқ турли урф-одатлар, удумлар, расм-русумлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгиланиши, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир. Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ён-атрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади. Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри-дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шижоат кириши табиийдир. Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизаакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунининг қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади. Бу кутлуғ яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаятган одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳисси пайдо бўлади. Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудига яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади. Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг

онгу тафаккурида мустақамланиб, уларнинг эртанги кунга ишонч тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас. Айнан мана шундай маънавий иқлим охириги йилларда мамлакатимизда кўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Халқимизда “Яхши одам – кўзидан, яхши йил – Наврўзидан маълум” деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кексаю ёш – барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаятгани бунинг яққол исботидир. Ўқув юртимизда ҳам байрам тантаналарига тайёргарлик ишлари, Наврўзолди тадбирлари кенг кўламда ўтказилиши аллақачоноқ бошлаб юборилган. Академия ҳудудига орасталик, файз бахш этиш ниятида ҳашарлар уюштирилиб кўчалар тартибга солинди, ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди, янги кўчатлар ўтказилди. Барча факультет талабалар турар жойларида катта дошқозонларда Наврўзнинг “шоҳона” таоми бўлмиш сумалаклар пиширилди, сумалак сайли ўтказилди. Қозон атрофига йиғилган ёш талаба йигит-қизларимизнинг ҳазил-мутойибалари, ўйин-кулгилари, кўшиқ ва лапарлари оламни тутди, барчага завқ-шавқ бағишлади. Миллатимиз урф-одатларини тараннум этувчи “Талабалик баҳори” фестивали айна Наврўз байрами арафасида ўтказилди. Ушбу фестивалда барча факультет талабалари фаол иштирок этдилар ва фаол иштирок этган факультет жамоалари қимматбахо совғалар билан мукофотландилар. Талабалар турар жойларида “Энг яхши хона”, “Энг ораста хона” каби кўрик-танловлар ўтказилди. Ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари уюштирилди.

Л.АБДУҚОДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

Ҳар бир халқнинг турфа байрамлари бор. Бироқ байрамни шунчаки ўйин-кулги, хурсандчилик дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Байрам — халқ тарихи, маданияти ва маънавияти билан боғлиқ жиддий ижтимоий ҳодиса. Шарқ халқлари учун Наврўз шундай байрам. Наврўзнинг бошқа байрамлардан фарқи бир жиҳати бор. У бирон тарихий шахс, бирон тарихий воқеа, сиёсий ёки диний қарашлар билан боғлиқ эмас. Бу — соф табиий байрам. Кеча ва кундўзнинг тенглашуви, ернинг омов солишга етилиши, дарахтлар гуллаши — хуллас, янги кун, янги фаслнинг бошланиши айнан шу кунга тўғри келади. Демак, ота-боболаримиз бу байрамни хўп ўйлаб, тажрибадан ўтказиб удум даражасига кўтарган. Наврўз шуниси билан гўзал ва қадрли!

Афсуски, шўро замонида кўп миллий қадриятлар қатори Наврўз ҳам бир чеккага суриб қўйилди. Қизиғи шундаки, ўттизинчи йиллар қатағонидан бир қадар эсон-омон ўтиб, ўтган аср ўрталарида тағин жонлангандек бўлган Наврўз саксонинчи йилларга келиб яна қувғин қилинди.

Мустақиллик йилларида дунёқараш шаклланган авлодга тушунарли бўлиши учун бир нарсани эслатиб фойдадан холи бўлмас керак. Шундай қилиб, саксонинчи йиллар бошида марказкомнинг машҳур ва машҳум ўн олтинчи пленуми бўлди. Кейинчалик “ўзбек иши”, “пахта иши” баҳонасида Ўзбекистон бошига солинган кулфатлар, акасини дафн этиш учун мазористонга борган укани партиядан ўчириш деган ғайриинсоний қилиқларнинг дебосаси ўша пленумдан бошланди. Тўқайга ўт кетса, Хўлу курак баравар ёнади, деганларидек, Ислому дини пайдо бўлмасидан бир ярим минг йил аввал мавжуд бўлган Наврўз “диний байрам” сифатида қатағонга учради. Ҳолбуки, Исо алайҳиссалом номи билан бевосита боғлиқ бўлган Рождество — Америкада, Янги йил байрами эса шўролар юрти ва жумладан, Ўзбекистонда ҳам мунтазам нишонланар эди... Хуллас, у бўлди-бў бўлди, халқимизнинг гўзал байрами бўронлар чангалида қолди. Шундай кунлардан бирида, 1986 йили мени “юқори идора”га таклиф қилишди. Марказкомдаги раҳбарлардан бирининг жиддий топшириғи борлигини айтдилар. Каминага жиддий “партийное поручение” берилди. “Сизга икки ҳафта муҳлат: “Навбахор” деган сценарий ёзасиз, шу сценарий бўйича баҳор байрами ўтказилади”. Бу ишни қилмайман, деб рад этишдан маъно йўқ: балога қоласиз. Роза бўлиш ҳақида эса гап ҳам

бўлиши мумкин эмас. Охири баҳона топгандек бўлдим. “Уэр, мен умримда сценарий ёзмаганман, бу ишни киночилар уддалайди”, дедим. Баҳона ўтмади. “500 бетли роман ёзган одамга 30 бетли сценарий ёзиш нима бўпти” деб “мот қилишди”. Чиндан ҳам ўша йили “Икки эшик ораси” романи нашр этилган эди... Хуллас, икки ҳафтадан кейин тағин чақиринди. Биринчи савол “где сценарий?” бўлди. (У даргоҳда фақат рус тилида сўзланарди.). Ун беш кун ўйлаб юрган гапимни айтдим. “Самарқандда, Ургут районида Чорчинор деган жой бор. Ҳар йили 21 март куни минглаб одамлар тўпланади. Қайноналар янги туширган келинини саломга олиб чиқади, хотинлар кўк сомса, сумалак пиширади, оқсоқол деҳқонлар фотиҳаси билан ерга омов солинади. Одамлар бир-бирига яхши тилаклар

мен бир нарсани билмасам гапирмайман, ҳамма сени кутаяпти”, деди. Охири айтганини қилдим. Бирпасда олам-жаҳон саволлар тушди. Улар орасида бир савол қайта-қайта такрорланган эди. “Наврўз байрамнинг динга алоқаси йўқ, шундай халқ байрами нега бекор қилинади?” Шу иш нотўғри бўлди, десам балога қоламан, “топшириқ”ни бажармай бир марта “шак-коклик” қилганимнинг ўзи етарли. Бу иш тўғри бўлди, десам виждонсизлик бўлади. Шунинг учун бу қалтис саволга жавоб бермай қўяқолдим. Энди минбардан тушиб кетаётсам, олдинги қаторда ўтирган ёши улугроқ бир киши (домла бўлса керак) ўрнидан турди. “Бир савол жавобсиз қолдику, — деди зарда билан. — Наврўзнинг нима айби бор, нега тақиқланади?”.

Бир зум довдираброк турдим-да, ҳаёлимга зўр фикр келди. “Домла, — дедим тавозе билан. — Давраимизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ака ўтирибдилар. Бу саволингизга шу киши жавоб берадилар!” Ёнига келиб ўтиришим билан устоз жаҳл аралаш пичирлади: “Ярамас, шу савол тушини билиб, аввал сен гапиргин, дегандим, расво қилдинг-ку буёғини!”

Устоз ҳам кўп нарсалар ҳақида гапирдилар, ажойиб ҳазиллар билан ҳаммага кулдирдилару Наврўз масаласига йўламадилар. Буни қарангки, боёғи қайсар “домла” “дигоним-дигон” дейдиганлар хилдан экан. Саид Аҳмад ака минбардан тушлиб кетаётганида дик этиб ўрнидан турди. “Саволга сиз ҳам жавоб бермадингиз-ку, домулло?!” деди овозини баралла қўйиб. “Хов, манга қара, — деди Саид Аҳмад ака таҳдид билан. — Нима, мен сенга ҳукуматманми? Анави редактор билмаган нарсани мен қаердан билая?! Наврўз нега тақиқланганини билгинг келаётган бўлса, шу бугунги кунни дафтарингга ёзиб қўй, саволингга уч йилдан кейин жавоб олсан!”.

Буни қарангки, Саид Аҳмад аканинг гапига фаришталар омин деган эканми, орадан кўп ўтмай Наврўз тикланди. Тикланибгина қолмай, Мустақиллик шарофати билан расман халқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди... Шу тариқа Истиклол туфайли ота-боболаримизнинг минг йиллар давом этган удуми — миллий қадриятларимиз белгиси Наврўз байрами ҳар қандай “аяма-жузлару”, “аҳмон-дахмон”лар, ҳар қандай таҳдидлару бўронлардан омон-эсон ўтиб, янги кун, янги йил, янги орзулар, янги тилаклар мустажоб бўладиган байрам сифатида нишонланадиган бўлди.

Шу кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар бўлсин!





Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БЎРОНЛАРНИ ЕНГАН НАВРЎЗ

“ОНА БИТТА, ВАТАН ЯГОНА” асаридан сатрлар

билдиради, аразлашиб қолганлар ярашади” ... “Это же Навруз?!” дейишди ҳам ҳайрат, ҳам таҳдид билан. Навбахор билан Наврўзнинг фарқи йўқлигини, Наврўз байрамни ҳеч қандай динга, жумладан, Ислому динга ҳам алоқадор эмаслиги, юртимизда бу байрам минг йилдан бери нишонланиб келишини айтдим. Ҳарқалай мени аядилар: партиявий жазо бериб, “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳарриригидан ҳайдаб юбормадилар. Шуниси шукр қилдим.

Дарвоқе, Наврўз билан боғлиқ яна бир ҳангома эсимдан чиқмайди. Ўшандан кейин бир-икки йил ўтиб устозим Саид Аҳмад ака билан Самарқандга бордик. Университет домлалари — дўстларимиз ғалати воқеани айтиб беришди. “Динга қарши курашувчи” комиссияси университетга борган. Аудиторияларни кўрган, ётоқхоналарга кирган. Қарашса, талаба қизлар ётоқхонада узун лозим кийиб юрганмиш. Шунангани тўполон бўпти, шунақанги тўполон бўпти! Узун лозим “эскилик сарқити” экан. Шунга гапирган эди, Саид Аҳмад ака “Сенлар ҳам қизиксанлар, демадингларми?” деган “сод-далиқ” билан... Бундан ҳам қизиғи университетнинг катта залида талабалар билан учрашувда бўлди. Беш-олти юз одам! Ҳамманинг кўзи устозда! Негадир Саид Аҳмад аканинг менга меҳри “ошиб-тошиб” кетди. Нукул “биринчи бўлиб сен сўзга чиқасан”, дейди. “Ундай қилолмайман, нукулай бўлади”, десам, “Хўп деявергин,





ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ АСР ВАБОСИ

Ўзбеклар азалдан иймони бут, маънавияти етук, эътиқодда холис халқдир. Халқимизнинг одоб-ахлоқ, ширин муомалада намуналиги, юриш-туришида самимийлиги, олди-сотди ва бошқа умумий турмушдаги ҳалоллиги ҳамма халқларга маълум ва машҳурдир.

Ўтмишда бўлганидек, ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, мамлакатимизда диний экстремистик гуруҳлар пайдо бўлиб улар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш, мусулмонларнинг онги ва тушунчасини чалкаштириш мақсадида Қуръон оятлари ва ҳадис маъноларини ўз фойда ва хохишларига буриш билан шуғулланмоқдалар. Терроризм муайян гуруҳ манфаатлари йўлида зўравонлик, суиқасд, портлатиш, гаровга олиш, беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима, қўрқув уйғотиш ва ҳоқозоларни ишлатишни англатади. Ваҳоланки, ҳақиқий комил мўминнинг аломати йўловчига азият етказадиган (тошми, шиша парчасими, тиканми бошқа) нарсаларни олиб ташлашгидан ҳам билинади.

Терроризм ва экстремизм инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши қаратилгани учун энг оғир ва ваҳиёна жиноят ҳисобланиб келган. Энг ачинарлиси, бундай ғоялар таъсирига ёшларнинг жалб этилиши ташвишланарли ҳолдир. Ёшлар онгини бундай зарarli иллатлардан муҳофаза қилиш учун самарали усуллар ишлаб чиқиш бугунги кун таълим соҳасининг долзарб вазифасига айланган. “Муассасалар” деганда биз таълим муассасаларини кўзда тутишимиз лозим. Демак, бундан террорчилик фаолиятининг олдини олиш таълим муассасаларида педагогик профилактик чоралар мажмуини кучайтириш орқали амалга ошириш даркор. Бугунги кунда таълим муассасалари олдида турган энг муҳим

вазифалардан бири келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборат.

Айниқса ёшлар онгида ғоявий бўшлиқнинг олдини олишнинг педагогик профилактикасини яратиш лозим. Бунинг учун таълим муассасаларида психологик таъсир ўтказишнинг аҳамиятини ошириш, ёшлар онгида ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш талаб қилинади. Шунингдек, таълим муассасаларида психологик ўрганиш хизматини жорий этиб, турли хил қизиқишга мойил талаба-ёшларни аниқлаб, уларнинг дунёқарашларини илмий, диний, ахлоқий томондан асослаб, жамият тараққиётини белгиловчи бунёдкор ғояга йўналтиришга эришмоқ зарур.

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот технологиялари, айниқса интернет ёшлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Шу жараёнда таълим даргоҳи раҳбарлари ўқувчи-ёшларнинг дарсга келиш давомати, тартиб-интизомини назоратга олишиб, уларнинг шахсий техника воситалардан оқилонга фойдаланишлари учун ноутбук ва нетбук компьютерлари, замонавий телефон аппаратлари, флешка каби турли ускуналардаги маълумотларни мунтазам равишда текширувдан ўтказиб боришлари мақсадга мувофиқдир. “Ахборот асри” деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси интернетдир. Бироқ бу тармоқда ҳамма нарса аралаш қуралаш – оқ билан қора, эзгулик билан ёвузлик ўрин олган. Маълумот тарқатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назорат қилишнинг имкони йўқ. Бундай таҳликали замонда ёшларнинг онгига фақат эзгу амалларни сингдира олиш учун педагоглардан юксак маҳорат талаб этилади.

С.АЛИМОВА,

**Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, и.ф.н.**

БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

“8 март Халқаро хотин-қизлар кунини” муносабати билан Тошкент Тиббиёт академияси ва унинг клиникалари, Тошкент Давлат Стоматология институти билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театрида профессор-ўқитувчилар ва ходимларга бағишланган концерт дастури тақдим этилди. Концерт аввалида театр биносининг миллий

меъморчилик усулида яратилган Тошкент, Самарқанд, Фарғона наққошлик усулидаги меъморчилик санъати билан танишилди.

Тадбирни ҳар икки олийгоҳ ректорлари очиб бердилар. Шундан сўнг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Болалар касалликлари кафедраси мудирини профессор Барно Турдиходжаевна Холматова Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси

соғлиқни сақлаш аълочиси” кўрак нишонини билан тақдирланди. Шу билан бирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари маркази кенгаши фахрий ёрлиқлари билан ТТАда фаолият кўрсатаётган бир қатор профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимлар муносиб тақдирландилар. Байрамга атаб ўтказилган тадбир театр артистлари ижросидаги опера ва балет концерти билан якунланди.

Барно АБДУҚОДИРОВА

ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбир “Соғлом халқ, соғлом миллат — буюк ишларга қодир бўлади” деб номланди.

Тадбир аввалида соғлом турмуш тарзини акс эттирувчи, мафкуравий таҳдидларга қарши курашишга қаратилган ижодий ишлар кўргазмаси бўлиб ўтди.




Мазкур тадбир мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг мазмунини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурининг моҳиятини англаш, юртимиз тинчлигига раҳна солувчи ёвуз кучларнинг мафкуравий хуружларига қарши талаба-ёшларнинг иммунитетини, она-юртга муҳаббат, қалбида фахр ва ғурур туйғуларини ошириш, Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талабаларда “Мен Ўзбекистон Республикасида яшашим билан ғурурланаман — Тошкент Тиббиёт академиясида ўқишим билан фахрланаман” деган эзгу ғояни сингдириш, ўз интилиши билан мамлакатимиз тараққиётига дахлдорлик туйғуларини уйғотиш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда “Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати — ёшлар нигоҳида”, “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя”, “Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлар”, “Соғлом она ва бола — баркамол авлод шаклланишининг кафолати” мавзуларида талабалар томонидан чиқишлар қилинди.



Ҳар йили талабалар анжумани ўзида эзгу ғояларни акс эттирган ном остида ўтказилиши одат тусига кирган бўлиб, бу галги V анжуман талабаларимиз томонидан мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган имкониятлар Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг асарларида кўтарилган долзарб масалалар “Кеча ким эдиг-у бугун ким бўлди?”, “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” ғояларининг кўтарилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қутбиддин НИЗОМОВ



ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат, спорт соҳаларида изланаётган, аъло ўқиши, фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизлар сафини тобора кенгайтириш, уларни юксак мақсадлар сари руҳлантиришда қанот бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам 14 нафар иқтидорли қизга Зулфия номидаги давлат мукофоти топширилгани ва бугунги кунда 240 нафар истеъдод соҳибаси ушбу мукофотга лойиқ топилгани мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Уларнинг 54 нафари адабиёт, 47 нафари санъат, 24 нафари фан, 42 нафари таълим йўналишларидаги ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлган. Аҳамиятли жиҳатларидан яна бири, 2014 йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари маҳаллий вакиллик органларига сайловларида халқ вакиллари этиб сайланган хотин-қизлар орасида 8 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бор. Қолаверса, халқимизнинг ардокли шоираси номидаги мукофот билан тақдирланган қизлар эндиликда етакчи илмий-инновацион марказлар, олий ўқув юрлари, компания ва идоралар, ташкилотларда самарали фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти йирик халқаро анжуманлар, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз довуғини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 8 март Халқаро хотин-қизлар кунини Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси доирасида 1 март куни Тошкент Тиббиёт академияси 4-сонли ТТЖда даволаш факультети маънавият бўлими ташаббуси ва ТТА хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда “Зулфияхоним қизлари эл ардоғида” мавзuida Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори даволаш факультети 2-курс талабаси Нигора Тўймуродова билан учрашув ўтказилди. Бўлиб ўтган учрашувнинг асосий мақсади Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибасининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини таълим масканлари, маҳаллаларда кенг тарғиб этиш, улғайиб келаётган авлод онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, қизларнинг Ватан, жамият олдидаги масъулиятини кучайтиришда Зулфияхоним издошларининг имконияти ва салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш ҳам тадбирнинг бош мақсадларидан бўлди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда ТТА профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиклар ҳамда мукофот соҳибаси Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг тўлақонли билим олиши, касб-хунар сирларини эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидладилар.

Тадбирда “Зулфияхоним қизлари” клуби аъзолари иштирокида мушоира бўлди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

Пола АБДУҚОДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

XXI аср инсоният ҳаётига нафақат янги илғор технологияларни, балким янги дунёқараш, “янги маърифат ва маънавият”, янги мафкураларни олиб кирди ва ҳаёт тарзини жуда жадаллаштириб юборди. Ҳамма соҳаларда маълумотлар шунчалик кўпки, уларни нафақат таҳлил қилиш, ҳатто ўқиб улгуриш ҳам қийин бўлиб қолди. Одам бу маълумотлар уммонида ғарқ бўлиши, ўзлигини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Лекин, шундай қадрият, шундай туйғу борки, одам қандай шароитда бўлишидан қатъий назар ўзгармай устувор бўлиб қолиши керак. Бу туйғу гўдак билан туғилади, она сути ва ота тарбияси билан йўғрилади ва бир умр бирга бўлади.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Бу она Ватан туйғуси. Она Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат, фахр туйғуси.

Биз она Ватанимиз Ўзбекистонни қанча мадҳ этсак, олқишласак, фахрлансак ва севсак арзийди. Бутун дунё ўта мураккаб, нотинч бир даврни бошидан кечириётган бир даврда Ўзбекистон кўп миллатли халқларимизга тинчликни, мусаффо осмонни, осуда меҳнатни, фаровон ҳаётни берди.

Кўпчилик олимларнинг маълумотларига қараганда Ўзбекистоннинг баҳорини, ёзини, кузи ва қишини дунёнинг бирор бир давлатида учратмайсиз. Баҳор айёмида қиру адирларимиз, тоғларимиз, боғларимиз шундай жаннатларга монанд бўладикки уни таърифлашга сўз бойлигимиз камлик қилади. Бу она заминни бизларга турли тенги ва таърифи йўқ ризқ берадиган ёзи, том маънода олтин кузи бор. Ҳатто кумуш деб таърифланадиган қишимиз ҳам ҳар турли жониворларга ризқ беришга қодир.

Энг асосийси фахрланса арзийдиган тарихимиз, маънавий меросимиз бор.

Бу юртнинг дунё билган энг зўр Соҳибқирон – ўз Теури, дунё шеърятининг дарғаси Алишери, дунё аҳлини лол қолдирган гўзал ва латофатли, кучли ва кўрқмас Тўмариси, фалакиёт илмининг султони –Улуғбеги, тиб илмининг султони Синоси, ҳақиқат олдида ўлимга ҳам тик қарай оладиган Бобурлари бор. Бу юртнинг улугларини санаб саноғига етиб бўлмайди.

Давоми 5-бетда.

(Давоми. Боши 4-бетда.) Ўзбекистон Оллоҳнинг наъзи тушган шундай маконки, унинг тарихини, маънавий меросини, умминсоний қадриятларини дунёнинг бирорта мамлакатада кўрмайсиз.

Аммо, Ватанни фақат гўзаллигию бойлиги учун севмайдилар ва ватан танланмайди. Ҳурматли Юртбошимиз “Ватанни севмоқ имондандир” деганларидек, имонли кишиларнинг барчаси Ватанини севади, тупроғини кўзларига тўтиё қилади, ардоқлайди, кўз қорачиғидек асрайди.

Чунки, Ватан бу сизнинг киндик қонингиз тўкилган тупроқ, ота-боболарингизнинг хоки ётган ер, аждодларингизнинг тарихи, асрлар мобайнида йиғган маданияти, маънавияти, мероси.

Ватан бу сизга ҳаёт бахш этган она ер, жолангизга қон берган зиллол сув, танангизга нону туз берган тупроқ, ўстирган, ундирган, кўз қорачиғидек асраган ошиён.

Ватанни севмаслик мумкин эмас, чунки, сиз мана шу “она Ватан”нинг бир бўлагисиз, демак сиз Ватансиз. Севмасангиз сиз бу

Ватандан эмассиз, сиз йўқсиз, мавжуд эмассиз, сиз одам-ҳазрати инсон эмассиз. Бу заминнинг ҳар бир зарраси, ҳар бир ҳаси фирдавс, ҳар бир одами кўзимизга тўтиё бўлиши керак.

Ўзингизга раво кўрган нарсани ўзгага ҳам раво кўришингиз ва ўзингизга раво кўрмаган нарсани ўзгага ҳам раво кўрмаслигингиз керак. Шундагина сиз эл фарзанди, Ватан фарзанди бўла оласиз. Фақат шуни англаб етганларгина бахтли бўла олади. Қолган ҳаммаси сароб!

Ўзбекистоним

Бир ўлка бор, ер - суви бобомдан мерос,
Суюнган тоғлари, фақат унга хос,
Қанча мадҳ айласанг, яна шунча оз,
Асрлар қаъридан чиққан достоним,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Бойчибор ел каби югурган ерлар,
Ҳам кўҳна, кўзларга тўтиё дерлар,
Полвонларинг олдида тиз чўккан шерлар,
Эл ғурури, шонини сақлар диёрим,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Бундадир ўзбекнинг ўзига беклари,
Одам* авлодининг мард фарзандлари
Шунинг чун, ҳеч кимга йўқдир зорлари,
Юз ўттиз миллатли ширин забоним
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Шу юртда ер юзин барчин ойлари,
Елкаси ер кўрмаган, эл ўғлонлари.
Танери қўллаб турган, алп полвонлари,
Алпомиш, Барчинга бўлган маконим,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Қайда бор? Бундайин жамалак сочлар!
Сарв қомат, оҳу кўз, камалак қошлар,
Ногоҳ хаёлимни мозийга бошлар,
Халқим удумини сақлаган қоним,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Аждодлар удумин унутмай яша,
Ножинс, нопоклардан ўзингни асра,
Ғурурла халқингни олдинга бошла,
Саховат булоғи, меҳр – маконим
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Одам* – Одам ато

Мозийдан боболар қилганда хитоб,
Ожиз қолар дунёда, юз-минглаб китоб
Ундадир, энг олий, муқаддас шитоб
Имон-эътиқоду, ҳикматлар қоним
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Томирингда Тўмарис, Теурунинг қони
Фатҳ этди дунёни Алишер номи,
Ҳатто тиб илмининг Синодир жони
Чингизга дарс берган, Жалол султоним
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Қуёш нурларин сочади мўл-мўл,
Оқибат дастурхон бўлади мўл-қўл,
Бу машаққатли, лекин ҳалол йўл,
Беминнат нону туз берган бўстоним,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмас,
Ширин сўз, суҳандон, лочин сўз демас,
Ул билан дилкашлик қилмасанг бўлмас,
Сен билан бахтлидир ўтган ҳар оним,
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Бу юртга бағрингни бермасанг бўлмас,
Фарзандим деб эркалар,
кафтдан қўймас,
Воҳаларин кўриб, кўзинг ҳеч тўймас,
Меҳмондўст, оққўнғил, тоза виждоним
Ҳам кўҳна, навқирон Ўзбекистоним.

Мени афу этгин, эй она диёр,
Мадҳинг баёнига жуда ожизман.
Қалбимдан сўзларим тушмас қаламга,
Кўрмасдан мен ошиқ бўлганман сенга.
Бахшилар тилида мангу достоним,
Доим гулла, яшна, Ўзбекистоним!

Мирҳоким ПЎЛАТОВ,
Тиббий педагогика факультети декани муовини

